2014 йил 7 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (12.588)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОЧИДАГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 февраль куни Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этади.

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Йиғилишда Жамғарманинг 2013 йилдаги фаолияти натижалари кўриб чиқилди ва истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор оширишга эришишда энг муҳим омилга айланганини таъкидлади. Экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар 450 дан ортиқ янги корхонани экспорт фаолиятига жалб этиш имконини берди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда тадбиркорларга ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Жамғарма ижрочи директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоевнинг таъкидлашича, жамғарма давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан фаолият юритмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида 153 тадбиркорлик субъектига қиймати 56 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, 2013 йилда жамғарма кўмаги билан «Зартола текстиль» МЧЖ ва «Dae Yong Licoris» МЧЖ қўшма корхоналари қиймати 66,1 минг доллар миқдоридаги экспорт шартномасини тузди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан «Асклепий-свифт» МЧЖ қўшма корхонасига 150 миллион сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилиб, чет эллик ҳамкорлар топишда кўмак берилди. Натижада корхона қиймати 1 миллион доллардан ортиқ миқдордаги иккита экспорт шартномасини тузишга муваффақ бўлди.

Ташқи бозорни ўрганиш ва юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини аниқлашга қаратилган чуқур маркетинг ишларини ўтказишда ижобий натижаларга эришилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда дунёнинг 173 мамлакатида тадбиркорларимиз томонидан таклим этиладиган 16 маҳсулот ва 15 хизмат турларига талаб мавжуд.

Ўтган давр мобайнида жамғарма 14,3 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури ва номларининг тизимли таҳлилини амалга оширди, уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини аниқлади. Айни пайтда, маълумотлар базаси яратилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талабга мослигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар 2014 йилда 1,6 мингдан зиёд корхона ўз маҳсулотини экспорт қилиш имкониятига эга эканидан далолат бермоқда.

Жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш жараёнини жадаллаштириш мақсадида 57 хорижий ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, 2013 йил ноябрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Шаньси провинцияси Савдо-саноат палатаси таркибига кирувчи «Northwest Central Asia Business Co.LTD» компанияси билан ҳамкорлик битими имзоланган эди. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг жорий йил май ойида Хитойда ўтказиладиган халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этиши биринчи қўшма лойиҳа самараси бўлади.

Йиғилишда хусусий сектор вакиллари семинар ва давра суҳбатларида иштирок этиш орқали жамғарма фаолияти билан танишиши мумкинлиги таъкидланди. Бундай семинар ва давра суҳбатлари ўтган йилдан буён мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиб келинмоқда.

Айни пайтда жамғарма 370 дан ортиқ тадбиркорга ўз маҳсулотини ташқи бозорга чиқариш, харидор топиш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт амалиётини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб қилинадиган зарур лицензиялар, сертификатлар, бошқа рухсатномаларни олиш ва йиғимларни тўлашда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишни режалаштирмоқда. Жамғарма кўмагида мамлакатимиздаги хусусий сектор вакилларининг хорижий тендер савдоларида иштирокини кенгайтириш, турли ярмаркаларда чет эллик харидорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш мумкин. Айни вақтда 580 миллион доллардан ортиқ миқдордаги экспорт шартномаларини тузиш кўзда тутилмоқда.

Жамғарма 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳсулот экспорти бўйича кўмаклашиш ишларини кўпайтириш мақсадида ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштираяпти.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

## ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЎРТАСИДАГИ МУҲИМ БЎҒИН

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2013 йилги фаолияти якунлари ва яқин истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси И.Мирзаалиев мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки йилдан йилга кучайиб бораётганини таъкидлади. Жамоатчилик кенгаши ҳам бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиб, халқ ва армияни боғловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилмоқда.

Кенгаш 2013 йилда ўз фаолиятини Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар, шунингдек, ўз дастури, мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамиятли саналар ва воқеаларга бағишланган тадбирлар режаси асосида олиб борди.

Таъкидланганидек, ўз сафида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият, санъат, илм-фан арбобларини бирлаштирган Жамоатчилик кенгаши томонидан 2013 йилда олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда икки юздан ортиқ учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Бу тадбирлар бўлинмалар ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак маънавият ва маданиятни таъминлаш, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилди.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган тадбирларда мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан ютуқлар, кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралар, қонунчиликдаги ўзгартиш ва янгиликлар, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари жойларда бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитларини яхшилаш, заҳирага бўшатилган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурлари ижросининг амалий натижалари билан танишди. Чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди, кенг жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш масалалари борасидаги фикр ва таклифлари таҳлил қилинди.

Кенгаш ўз фаолияти давомида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёш авлодни «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳарбий-спорт машғулотларини ташқил этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширди.

Йиғилишда Жамоатчилик кенгашининг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифалари белгилаб олинди. Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, ҳарбий хизматчиларда юксак маънавият ва маданиятни шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизмат нуфузини янада юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар ташкил этиш каби ишлар режага киритилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида Юртбошимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими ўтказилди.**

**• Навоий давлат педагогика институтида «Экологик назорат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, табиатдаги биохилма-хилликни асрашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

**• Тошкент вилоятида 2013 йил якунлари ва 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Фарғона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Алишер Навоий – шеърият мулкининг султони» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, асарларидаги теран ижтимоий фалсафа моҳияти, улуғ шоир ижодининг ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ва самимият туйғуларини мустаҳкамлашдаги беқиёс аҳамияти хусусида сўз юритилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Япония ҳукумати Ер орбитасида учиб юрувчи космик чиқиндилар кузатуви билан шуғулланувчи янги тизим ташкил этилишини маълум қилди. Ушбу йўналишдаги амалий ишлар келгуси йилдан бошланади. Гап шундаки, бугунги кунда коинотда 16 мингдан ортиқ космик чиқинди катта тезликда учиб юрибди. Ҳажми миллиметрларга тенг бир бўлак космик чиқинди ҳам сунъий йўлдошни ишдан чиқариши мумкин экан.**

**• Бразилияда жорий йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатига кириш учун чипта сотиш тизимининг иккинчи босқичи якунланди. Бу сафар ФИФАга чипта учун 199 та давлатдан 3 505 656 та буюртма келиб тушган. Шу ойда ушбу чипталарга буюртма берган ишқибозлар орасида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади ва 11 мартда бахтли чипта эгаларининг номи эълон қилинади.**

**• Ливаннинг Тир шаҳрида истиқомат қилувчи Халил Семхат етиштирган картошка 11,2 килограмм тош босганлиги сабабли Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Фермернинг айтишича, у бундай катталикдаги картошкани етиштиришда уринмаган ва уни махсус парвариш қилмаган. Бу борадаги аввалги рекорд британиялик Питер Глазебрукка тегишли бўлиб, у боғдорчиликка бағишланган кўргазмада 8 килограммдан ортиқ бўлган картошкани намойиш этган эди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида буюк мутафаккир, давлат арбоби ва шоир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги муносабати билан «Навоий мероси – улуғ қадрият» мавзусида тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Миробод туманидаги 213-умумтаълим мактабида «Адабий меросимизнинг тенгсиз намояндалари» номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Киночилар уйи ва Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра, «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Қудуқ» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

# ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги «2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтдаги саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, инвесторларни жалб қилган ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари И.Салиходжаев, О.Жиянбаев, А.Қосимов, А.Саттарова, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С.Насретдинов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида доимий комиссия томонидан кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув спорт техника клуби унитар корхонасида туман ташкилотлари ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган «Эзгу ғоялар хазинаси» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

**Тадбирлар**

# ЭЗГУ ҒОЯЛАР ХАЗИНАСИ

— Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир, — дейди МК «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув СТК УКнинг маънавият, ТОИ ва ХВТ бўйича бошлиқ ўринбосари Нафосат Ашурова. — Истиқлол туфайли унинг меросини тўлиқ ва ҳаққоний ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Чунончи, Навоий таваллудининг 560 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Навоий шаҳрида боғ барпо этилиб, муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан катта илмий конференциялар ўтказилди. Айнан мустақиллик йилларида Москва, Токио, Боку шаҳарларида улуғ бобомизнинг ҳайкаллари қад ростлаши муҳим воқеа бўлди.

Тадбирда Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи гуманитар фанлар кафедраси мудири Г.Жўраева сўзга чиқиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтди: «Ўзбек мумтоз адабиёти узоқ ва теран тарихга эга. Унинг бағрида минглаб етук ижодкорлар бор. Уларнинг ҳар бири улкан бир хазина мисол. Аммо серқирраликда, сермаҳсулликда, бадиий баркамолликда Навоий ва Бобур ижоди бетакрордир. Ҳар йили 9 февралда Алишер Навоийнинг таваллуд куни юртимизда кенг нишонланади. Илмий ва бадиий ижод оламида шундай ижодкорлар бўладики, улар энг аввало ўз халқининг асл фарзанди, миллатнинг фахр-ифтихори бўлиш билан бирга, бир мамлакат ва бир миллат доирасидан чиқиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Навоий ана шундай буюк сиймолар сирасига киради.

Маънавий-маърифий тадбир давомида молия ва иқтисодиёт коллежи ўқувчилари томонидан ғазалхонлик, рақслар ва бадиий саҳна кўринишлари намойиш этилиб, барчага манзур бўлди.

Тадбирда ўқувчиларга Алишер Навоий ҳақидаги видеолавҳалар ҳамда асарлари тарғиботига оид слайдлар қўйиб берилди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг барҳаёт асарлари нафақат бизнинг юртимизда, балки дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам асрлар оша ўзига хос ўрин эгаллаб келмоқда. Айни кунларда шаҳримизнинг барча ўқув, маънавият ва маърифат масканларида ғазал мулкининг султони таваллудига бағишланган қатор тадбирлар, учрашувлар ва кўргазмалар уюштирилмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***2013 йилда Ўзбекистонда Самарқанд автомобиль заводи томонидан ишлаб чиқарилган «ISUZU» автобусларидан 528 таси жойларда лизинг асосида сотиб олиниб, фуқаролар хизматига сафарбар этилди. Айни кунларда мазкур автобуслар мамлакатимиз бўйлаб фуқароларга сифатли транспорт хизматларини кўрсатмоқда.***

# ЯНГИ АВТОБУСЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА



Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги матбуот хизмати хабарига кўра, ҳудудий давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда турли йўналишларда аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжлари мунтазам равишда ўрганиб чиқилмоқда. Натижада ўтган йилнинг ўзида режадаги 95 та ўрнига 181 та янги йўналиш ташкил қилинди. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларида жорий этилди.

Шу билан бирга таъкидлаб айтиш керакки, барча ҳаракатдаги маршрутларнинг 97 фоизи очиқ тендер савдолари асосида мувофиқлаштирилди. Чунки бу усул мамлакат автотранспорт бозорида соғлом рақобатни ривожлантириш ва транспорт хизмати сифатини яхшилашга хизмат қилади.

2000 йилда республикамиз бўйича йўловчиларга жами 2000 га яқин йўналишда транспорт хизматлари кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони 4280 тага етган.

Ўтган йили ҳаракатдаги йўналишлар сони 2012 йилдагига қараганда 181 тага кўпайгани фикримиз тасдиғидир. Бу эса соҳада 4,4 фоизга ўсишга эришилганини билдиради.

Агентлик берган маълумотларга кўра, мавжуд йўналишлардан 1009 таси шаҳар, 2631 таси шаҳар атрофи ва 640 таси шаҳарлараро йўналишлардир. Ҳаракатдаги 4280 та йўналиш ёки маршрутларнинг 97,7 фоизи тендер асосида йўлга қўйилган. Шунингдек, 2013 йилда умумий ҳисобда республикамизда 133 та очиқ тендер танловлари ўтказилди. Улардан 1107 таси йўловчи маршрутлари хизмати соҳасини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди.

Жумладан, 154 та шаҳар ичидаги маршрутларни белгилаш учун 32 та тендер танлови ўтказилди. 786 та шаҳар атрофи ҳамда 75 та шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларида хизмат кўрсатиш учун 75 та, 92 та шаҳарлараро-вилоятлараро маршрутлар учун эса 7 та тендер ўтказилди.

Булардан ташқари, 2013 йилда очилиши кўзда тутилган 95 та ўрнига 181 та йўловчи ташиш йўналишлари ташкил этилиб, бу йўналишлар учун 205 та автобус,117 микроавтобус, 998 «Дамас» автомобиллари жалб этилди. Бу ишлар самарасида ҳозирги вақтда республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи фуқаролар ҳам сифатли транспорт хизматларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Айни чоғда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамкорлигида фаолиятни ривожлантириш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Автокорхоналар автопаркларининг мунтазам янгилаб борилиши, янги замонавий автобус ҳамда микроавтобуслар билан бойитилиши режаларни ортиғи билан уддалашга замин яратмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

*Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

# ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шайхонтоҳур туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан кейинги матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Махамедов зиммасига юклансин.

**Шайхонтоҳур туман ҳокими**
**М.Мирқосимов**

*2014 йил 9 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

***Мустақиллик шарофати билан қабул қилинган Бош Қомусимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тегишли конституциявий нормалар асосида ўз ифодасини топган.***

**Ислоҳотлар оқимида**

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ

Маълумки, Конституциянинг муқаддимасидаёқ ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулликни назарда тутувчи норма белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма бугунги ва эртанги авлод вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ифодаланганлигини англатади. Давлат ўз ёшларининг келажаги учун масъулликни зиммасига олган. Сабаби, давлатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда ёшларимизнинг эртанги кун учун муносиб ворислик масаласига эътибор қаратмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида 8832 та мактабда қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани, 1537 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи барпо этилгани, истиқлол йилларида илм-фан сирлари ва замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, юксак малакали кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари сони салкам икки баробар кўпайиб, 65 тага етгани бизнинг бу соҳада ўзгалар ҳавас қиладиган улкан марраларга эришганимиздан далолат беради.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларимизнинг ажралмас қисми бўлиб ҳаётимиздан чуқур жой олган дастур ва режаларимиз қаторида юртимизда мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ишлар бугунги кунда ўзининг дастлабки самарасини бераётгани барчамизни албатта хурсанд қилади.

Бунинг тасдиғини кейинги ўн йил мобайнида ўқувчиларимиз мустақил Ўзбекистон вакиллари сифатида халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, 150 дан зиёд олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритгани, нуфузли санъат фестиваллари ва танловларида 670 дан ортиқ совринли ўринларни эгаллагани, халқаро спорт мусобақаларида эса 1280 та олтин, 1170 та кумуш ва 1590 та бронза медаль соҳиби бўлгани мисолида яққол кўриш мумкин. Конституция матнидаги мантиқий изчиллик асосида яратилган ҳар бир норма амалда ишлаши учун эртанги кун вакили саналмиш ёшларнинг тарбияланишига эҳтиёж сезилади.

Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбурияти ҳамда давлатнинг ота-онасиз етим болаларни ёки уларнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш вазифасининг белгиланганлиги ҳам миллий менталитетимизга, ҳам юриспруденция талабларига мос келади. Халқимиз болажон, ўз фарзандларига эътиборли, бироқ, глобаллашув ёхуд дунё ҳамжамиятига иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан интеграциялашув жараёни фаол кечаётган ҳозирги даврда бундай конституциявий норманинг белгиланиши ўта долзарб саналади.

Конституциямиз нақадар теран демократик заминга, қудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгалигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Конституциянинг худди ана шу ғоявий, ҳуқуқий-мафкуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар онгига сингдириш мақсадида мамлакатимиз Президенти 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» Фармойиш қабул қилганлиги таҳсинга лойиқ.

Фармойишни чиқаришдан кўзланган асосий мақсад – Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, шу тариқа жамиятда Конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқори даражага кўтариш; энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқаро ўзининг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукаммал англаб етишига эришишдир.

Асосий Қонунимиз моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш Фармойишда белгиланган муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда мутасадди вазирлар, раҳбар ходимлар, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислардан иборат нуфузли Комиссия тузилди. Мазкур Комиссия юқорида зикр этилган дастурни ишлаб чиқди, шунингдек, барча даражадаги таълим турлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда Конституцияни ўрганишга оид махсус ўқув курслари, дарсликлар яратиш учун малакали муаллифлар жамоаларини тасдиқлади, тегишли ўқитиш дастурларига, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиб, улар қисқа муддатларда яратилди. Жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар ва ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчилари учун алоҳида, умумий ўрта таълим тизими ўқувчилари учун алоҳида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун, олий таълим (бакалавр, магистрант ва тадқиқодчи изланувчилар) талабалари учун, давлат хизматчилари учун, бошқа тоифа меҳнатчилар ва маҳаллалар аҳли учун алоҳида дастурлар ҳамда методикалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Шу мақсадда мамлакатнинг барча минтақалари, вилоят ва шаҳарларида турли соҳа ва касб мутахассисларининг Конституцияни ўрганиш бўйича мунтазам семинарлар ташкил этилмоқда, барча турдаги таълим муассасаларида дарс берувчи ўқитувчиларни тегишли йўналишда тайёрлаш, малакасини ошириш, телевидение, радио ва матбуотда Конституцияни фаол тарғиб қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, «Конституция ҳақида суҳбат», «Конституция: савол ва жавобларда», «Конституция рангтасвир, изоҳ ва чизгиларда» каби ҳар турли рисолалар, болаларга мос фото-альбомлар тайёрланиб, кенг тарғиб қилинмоқда.

Шунингдек, ўрта мактабнинг бошланғич синфлари учун «Конституция алифбоси», «Конституция сабоғи», юқори синфлар учун «Конституциявий ҳуқуқ асослари» каби фанлардан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилиб, ўқув жараёнига жорий этилди.

Меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда Конституцияни ўрганишни ташкил этишга доир чора-тадбирлар кенг қулоч ёзмоқда. Бу ишлар аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятининг кескин ошишига кўмак бермоқда. Конституциянинг мазмун-моҳиятини теранроқ очишга бағишланган илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанавий ва мунтазам тус олди. Ёшларнинг турли тоифаси хусусиятларини ҳисобга олиб кўргазмали воситалар, ўқув қўлланмалари, видео-роликлар яратилди, танловлар, викториналар, олимпиадалар ўтказилиши йўлга қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Конституциясини мукаммал ўрганишга йўналтирилган баъзи таклифларни илгари суришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

*Аввало,* Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда қандай қўлланилаётганини таҳлил этишимиз лозим. Фикримизча, бунинг учун барча суд органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ўз фаолият йўналиши бўйича Конституция меъёрлари амалда қўлланилишининг самарасини таҳлил этишни мунтазам йўлга қўйсалар, мониторинг ўтказишни ташкил этсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Иккинчидан* Конституцияни ўрганиш ва мукаммал билиш нафақат фуқаролар, ёшлар учун, шунингдек, барча давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам зарурий талабдир. Шундан келиб чиқиб, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ҳамда амалиётчилар учун семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференциялар доимий тарзда ўтказиб турилиши ўринли бўларди. Ушбу анжуманлар туман, шаҳар, вилоятлар ва республика даражасида ташкил этилса, янада фойдали бўлар эди.

*Учинчидан* ёшлар томонидан Конституцияни мукаммал ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадбирлардан бири сифатида ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари орасида «Конституция мавзусига бағишланган *энг яхши реферат танловлари*» ўтказиш жорий этилса, хайрли иш бўлар эди.

Эътироф этиш жоизки, Адлия вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили адлия идоралари ходимлари ўртасида шундай рефератлар танлови ва журнал, газета саҳифаларидаги мақолалар танлови ўтказила бошланди.

*Ва ниҳоят* ўқувчи-ёшлар ўртасида Конституция ва амалдаги қонунчилик бўйича бир неча босқичли Республика олимпиадаларини ўтказиш, радио ва телевикториналар, тест-синовлари, баҳс-мунозара клублари ташкил этиш, шунингдек, Конституциянинг мазмун ва хусусиятларини, унинг аниқ моддаларининг ҳаётга жорий этилиши натижасида қўлга киритилган ютуқларни ифодаловчи мультимедиа дастурларини тайёрлаб, уларни меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ҳамда ўқув муассасаларида кенг тарқатиш Конституцияни чуқур ўрганишга салмоқли ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Санъат ва маданият ҳам ёшлар ҳуқуқий тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Конституциянинг моҳиятини, унинг ғоялари, тамойил ва қоидаларини ҳуқуқий тафаккуримизга сингдириш ҳамда маданиятимиз таркибий қисмига айлантириш, шубҳасиз, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай давлатчилик ва жамиятни қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт асоси, жамият фаровонлигини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун



***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

# БУЮК ШОИР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий ўқув юртлари курсантлари, навоийшунос олимлар, адиблар, шунингдек, улуғ шоир ижодининг ихлосмандлари иштирок этди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Яқин кунларда халқимиз ўзининг дунёга машҳур шоири Алишер Навоийнинг туғилган кунини кенг нишонлайди.

– Буюк мутафаккир ижоди билан болалигимдаёқ танишганман, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети учинчи курс талабаси Б.Кулкиев. – Бобомдан ёдгорлик бўлиб қолган, нафис шарқона нақшлар билан безалган китобни илк бор қўлга олганим ҳамон ёдимда. Бу Алишер Навоий ҳазратларининг танланган асарлари тўплами бўлиб, кейинчалик у менинг доимий ҳамроҳимга, севимли китобимга айланди.

Тадбир давомида Алишер Навоийнинг ғазаллари, рубоийлари ва достонларидан парчалар ўқилди, у қолдирган буюк маънавий меросининг бугунги аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# НАВОИЙ БОБОМИЗГА ДУНЁ МИҚЁСИДА ЭҲТИРОМ

***9 февралда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, жамоат арбоби Алишер Навоий туғилган кунига 573 йил тўлади.***

Улуғ аждодимиз ўзининг беқиёс ижод намуналари билан жаҳон адабиёт майдонида катта нуфузга эга. Навоий ижодига эътибор ва эҳтиром айниқса, истиқлол йилларида янада кучайди. Бугунги кунда унинг ғазаллари ва достонлари жаҳондаги кўплаб халқлар тилларида янграмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 29 январда қабул қилинган «Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Фармони билан улуғ бобомиз шахси ва ижодиётига бўлган қизиқиш, унинг руҳиятига интилиш янада ортди.

Мазкур фармонга биноан 1991 йил мамлакатимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилинди ҳамда шоир, мутафаккир ва жамоат арбоби юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ташкил этилди ва шоирга салобатли ҳайкал ўрнатилди.

Ўтган асрда таниқли ўзбек ёзувчиси Ойбек «Алишер Навоий» романини китобхонлар ҳукмига ҳавола этиб, халқимизга буюк аждодимизни кенг танитди. Ўшанда илк бор улуғ аждодимизга бағишланган почта маркалари ҳам чоп этилганди. Шунингдек, мамлакатимизда «Алишер Навоий» фильми суратга олинди. Бугунги кунда шоир номи қўйилган кўчаларни Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир шаҳар ва қишлоғида учратиш мумкин. Ғазал мулкининг султони номи миллий кутубхона, метрополитен бекати, университет, вилоят ва шаҳарга ҳам қўйилган. Қуёш тизимига кирувчи планеталардан бири — Меркурий юзасидаги кратерларни бир пайт инсониятнинг энг таниқли шоир ва ёзувчилари, санъаткору олимлари шарафига аташ ғояси туғилганда буюк ватандошимиз биринчилар қатори рўйхатдан жой олган. Унинг номи эндиликда немис меъмори Иоганн Нейман, рус бастакори Модест Мусоргский, америкалик ёзувчи Марк Твен, француз рассоми Клод Моне, чилилик шоир Пабло Неруда каби даҳолар қатори ана шу олис ва сирли сайёра харитасини безаб турибди.

Яна бир қалбимизни ғурурга тўлдирадиган жиҳат — Алишер Навоийга узоқ ўлкаларда ҳам меҳр-муҳаббат билан қаралаётганлиги, ижоди катта қизиқиш билан ўрганилаётганлигидир.

Жумладан, кунчиқар мамлакат — Японияда Навоий ижодига бўлган қизиқиш ўзгача. Ҳазрат шоирнинг ихлосмандлари ҳар йили 9 февраль куни Токиодаги Сока университети ҳовлисига тўпланадилар. Бу ерда ўрнатилган буюк ўзбек шоири ҳайкалининг пойини ранг-баранг гуллар безайди. Унинг қаламига мансуб ғазаллар япон, ўзбек ва бошқа тилларда янграйди.

Шу ўринда Алишер Навоий сиймоси жаҳоннинг жуда кўплаб шаҳарлари кўча ва майдонларини ҳам безаб турганини қайд этиш лозим. Улар орасида Токио, Вашингтон, Боку, Ашхобод, Мозори Шарифни тилга олиш мумкин. Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳри марказидаги Серпухов майдонида ҳам улуғ ўзбек шоирининг бронзадан яратилган ҳайкали гранит шоҳсупадан жой олганлигига бир неча йил бўлди.

Ҳа, халқимизнинг улуғ шоири ва мутафаккири яшаб ижод қилган даврдан буён у ёзган асарлар ҳамон биз билан. Улар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун башариятнинг маънавий мулкига айланган. Навоий сиймоси шунча даврдан кейин ҳам жаҳон кезаётганлиги эса унинг даҳоси абадийлигига яна бир ишорадир.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«Туркистон-пресс» мухбири**

# НАВОИЙ НАЗДИДА ПОЛВОНЛАР

***Ўзбек миллий кураши – кўп асрлик қадимий тарихга эга. «Алпомиш» достонининг қаҳрамони – Ҳакимбек ҳам полвон эди. У Барчиной қўйган шартлар асосида курашларда тобланади. Бу достоннинг пайдо бўлганига эса минг йилдан ошди.***

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий замонига келиб курашчи паҳлавонлар саройда ва аъёнлар ўртасида юксак нуфузга эга бўлган. Шунинг учун ҳам буюк шоир асарларида, замондошлари қолдирган бой мерос намуналарида ҳам кураш билан боғлиқ кўплаб тасвирларга дуч келамиз.

Навоий замонасининг машҳур курашчиси Паҳлавон Муҳаммад куштигир (у пайтларда курашчи *«куштигир»* дейилган) билан яқин дўст бўлган. Ҳатто, Алишер унга шогирд мақомида ҳам эди.

Мутафаккир қаламига мансуб «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг тўртинчи мажлисида Паҳлавон Муҳаммад ҳақида ҳам маълумот берилиб, жумладан, унинг кураш бобида ҳеч ким эришмаган даражаларга етгани билдириб ўтилади: *«Паҳлавон Муҳаммад Куштигирким, кўп фазойил била орастадурким, кушти* (яъни кураш) *фани бавужуди улким, анинг андоқ ҳақ ва мулкидурким, маълум эмаским, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғай».* Муаллиф унинг тасаввуф, адабиёт ва мусиқа бобидаги фазилатларини ҳам таърифлаб ўтади.

Навоий наздида Паҳлавон Муҳаммаднинг мавқеи шу даражада баланд эдики, умрининг охирида у устози ҳақида махсус «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» маноқибини ёзди.

Ана шу асарда ҳикоя қилинишича, шоир ва курашчи бир-бирига шу қадар яқин эдики, ўртада айрим ҳазил-мутойибалар ҳам бўлиб ўтади.

Машҳаддалик пайтида Навоий бетоб бўлиб ётганида Паҳлавон Муҳаммад уни кўришга келади. Ҳатто, кийимларидаги сўтилган жойларни тикиб ҳам беради.

Шу кунлардан бирида у суҳбат асносида шоирдан:

– *Туркигўй шоирлар орасида сен шеърни яхши битасан, лекин сен ўзинг туркий шоирлардан кимни маъқул кўрасан?* – деб сўрайди.

Навоий уларнинг ҳаммасини тан олишини айтади. Паҳлавоннинг уларнинг барчаси бир даражада шеър ёзмаганини, орада фарқ борлигини уқтирганидан кейин Навоий устоз Лутфийни тилга олади. Шунда курашчи:

– *Нега Саййид Насимий эмас?* – деб сўрайди. Шоир шундай жавоб беради:

– *Аввало, хотирга келмади. Кейин Саййид Насимийнинг шеърлари бошқачароқ йўлда, у бошқа* («зоҳир аҳли») *шоирларидай ёзмаган, унинг асарларида ҳақиқат* (тўғридан-тўғри Ҳақни куйлаш) – *устун. Бу саволни беришдан мақсадингиз мажоз* (инсонга муҳаббат орқали Ҳақни куйлаш) *шоирларидан яхшиси қайсилигини билиб олиш эди.*

Ана шунда жуда қизиқ воқеа юз беради. Паҳлавон Муҳаммад Навоийнинг фикрига эътироз тариқасида Насимийнинг айнан мажоз йўлида ёзилган бир ғазалини ўқиб беради ва унинг мақтаъси (сўнгги байти) мана бундай тугар эди:

*Гар Насимий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,*
*Йўқ ажаб, нечунки хом этган киши ранжур эрур.*

Бу ғазални эшитган Навоийнинг боши қотиб қолади. Чунки шеър матни унинг яқинда ёзиб тугалланган, ҳали ўзидан бошқа ҳеч ким ўқимаган ғазали билан сўзма-сўз мос тушар, фақат *«Навоий»* тахаллуси ўрнига *«Насимий»* тахаллуси қўлланган эди, холос. Шунда Навоий билдирмасдан чўнтагини пайпаслаб кўрса, ғазал битилган қоғоз жойида турибди. Унинг ҳайратига ҳайрат қўшилиб, курашчидан уни қачон ёдлаб олганини сўрайди. Ундан:

– *Илк бор 12 йил бурун подшоҳ Абул Қосим Бобур мажлисида эшитиб, ўшандаёқ ёзиб олиб, ёдлаган эдим,* – деган жавобни олади.

Бу ҳам камлик қилгандай, Паҳлавон Муҳаммад эртасига бу ғазални, ҳатто, бир неча полвон шогирдлари ҳам ёд олганини айтиб, уларни чақиртиради. Уч-тўрт курашчи кириб, Навоийга шу ғазални ёддан айтиб беради.

Нима бўляпти ўзи?..

Гап шундаки, Паҳлавон Муҳаммад Алишернинг кийимини тиккан куни унинг чўнтагидаги қоғозга кўзи тушади. Ёнига очиб қўйиб, уни яхшилаб ёдлаб олади. Кейин яна жойига солиб қўяди. Кечқурун бу шеърни тахаллусини ўзгартирган ҳолда қоғозга тушириб, шогирдларига ёдлаттиради.

Бу ҳазил-мутойиба Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад Куштигир билан қай даражада яқинлигини кўрсатиб турибди.

Навоийнинг далолат беришича, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳеч бир давраси Паҳлавон Муҳаммадсиз ўтмас эди. Чунки бу курашчи шеър, муаммо ва мусиқада ҳам комил зот эди. Подшоҳнинг инояти билан Ҳиротнинг Неъматобод деган мавзесидаги ҳовлисида юзга яқин курашчи тарбияланар ва яна шунга яқин одам у зотнинг хизматида эди. Юз курашчидан ўн нафари – *талабкаш*, йигирмага яқини *қадаргир* ва *жалди навхоста* эдики, давраларда курашга тушарди.

Кўриниб турибдики, ўша даврда курашчиларнинг салоҳиятига кўра даражалари (*«талабкаш»*, *«қадаргир»*, *«жалди навхоста»*) бўлган. Бу худди ҳозирги *«спорт устаси»*, *«биринчи тоифали спортчи»*, *«чемпион»* деганга ўхшайди.

Навоийнинг ёш замондоши Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ҳам Паҳлавон Муҳаммад хусусида қимматли ва қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугун жаҳонда ўзбек курашининг маълум ва машҳур бўлиши бежиз эмас. Бунинг замирида бой миллий мерос мавжуд.

**И. МОРГУНОВА,**
**А. НУРМУРОДОВ,**
**Тошкент Давлат шарқшунослик институти доцентлари**

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ИШЛАНМАСИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ДИПЛОМИГА САЗОВОР БЎЛДИ

***Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг мехатроника маркази аъзолари жорий йил 25-26 январь кунлари Москва шаҳрида ўтказилган «ACP Geek Picnic» кўргазмасида иштирок этишди.***

Кўргазма ҳозирги техника ривожланган даврда мураккаб технологиялар соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб қилиш ҳамда ёшлар орасида замонавий технологияларга бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда кичик роботлар, учувчи мосламалар, гуманоид роботлар, мега роботлар, 3Д принтерларда робот қисмларини ясаш бўйича ишлар намойиш этилди.

Шунингдек, кўргазма давомида мега сумо, мини сумо, микро сумо, нано сумо, лего сумо ва гуманоид сумо баҳслари ўтказилди.

Кўргазманинг мини сумо ва микро сумо турларида ўзбекистонлик вакиллар ўзларининг «Роботжон» ҳамда «Микро Роботжон» деб номланган ишланмалари билан қатнашди. Юртдошларимиз ушбу кўргазмада биринчи маротаба қатнашганликларига қарамай умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди.

Икки кун давом этган кўргазма-танловда Ўзбекистон, Россия, Украина, Беларусь, Франция ва бошқа давлатлардан 60 га яқин жамоалар иштирок этди.

Юртдошларимиз томонидан тақдим этилган робот мусобақада «Энг технологик робот» деб топилди ва унинг яратувчиларига фахрли дипломлар топширилди.

— Ҳар бир ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади, — дейди «ACP Geek Picnic» кўргазмаси иштирокчиси Олимжон Тўйчиев. — Робототехника ҳам бундан мустасно эмас. Лекин айтиш жоизки, технологиялар борасида мукаммал билимга эга бўлган одам учун робот ясаш унчалик мураккаб иш эмас. Бунинг учун етарлича билим ва истак бўлса бас. Бу борада қизиқиши бўлган ёшлар аввало ўзи таҳсил олаётган олийгоҳ, коллеж, лицей ва мактабдаги техника йўналишида таълим берувчи устозларига ва тўгарак раҳбарларига мурожаат этишлари, ўз билимини ошириш учун «Баркамол авлод» ёшлар марказларидаги махсус тўгаракларга аъзо бўлишлари мумкин. Ўз орзусига интилган киши албатта унга эришади.

Таъкидлаш лозимки, Москва шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмадан қайтган юртдошларимиз Ўзбекистонда ҳам шундай кўргазма-кўрик ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдиришмоқда. Бу таклифни маъқул деб топган масъуллар томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Назорат йўқ жойда интизом сусаяди.**

* * *

**Кўрган-билганидан хулоса чиқарган ютади.**

* * *

**Ҳаёт китобини ўқиб тугатиб бўлмайди.**

* * *

**Сергаплик — ақл қусури.**

* * *

**Нодон асосий гапни четлаб ўтади.**

* * *

**Баъзида ақлимизнинг ожизлигини бошқа нарсаларга тўнкаб юрамиз.**

* * *

**Нодоннинг оғзи тинмасада, бирор маънили гап айтмайди.**

* * *

**Ғийбат бозори ҳамиша қизғин.**

* * *

**Қўрқоқ бошқаларни ҳам иккилантиради.**

* * *

**Оғзи бўш ҳар қадамда панд ейди.**

* * *

**Нима учун яшаётганини билмайдиган киши ожиздир.**

* * *

**Вақт матосидан бахт либоси тикилади.**

* * *

**Ким нима деса ишонишининг ўзи кишининг беғамлигидан далолат беради.**

* * *

**Икки куннинг бир хил ўтмайди.**

* * *

**Хаёл ҳамиша илгарилаб кетади.**

* * *

**Хаёлни ҳақиқатга айлантириш осон эмас.**

* * *

**Текин нонга тиш ўтмас.**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида* ***8 февралда*** *ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 5-7 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***8-10 ва эрталаб 11 февралда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

